

«Ҳидоя» ислом билим юрти талабаси халқаро Қуръон мусобақасида иштирок этади



21:03 / 25 май 459

25-27 май кунлари «Ихва» хайрия жамияти томонидан Қуръони Каримни тажвидли ўқиш II-халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилади. Ушбу мусобақа Ингушетия (Россия) Ташқи ишлар ва миллий сиёсат ҳамда матбуот вазирлиги ҳомийлигида ташкил этилмоқда.

Мазкур халқаро мусобақада юртимиз номидан «Ҳидоя» ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Аббосхон қори Обидов Саидмурод ўғли иштирок этади.

Юртдошимиз куни кеча мазкур мамлакатга жўнаб кетди.

Халқаро Қуръон мусобақасида қатнашадиган Аббосхон қорига муваффақият тилаймиз!